

634.9
С-47

Т. И. СЛАВКИНА



Бр. 22804/1

ЎЗБЕКИСТОН ПАРКЛАРИНИ КУКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

634.9 | Бр 22704/1
с-47 | Славкина Т.И.
Ўзбекистон парклари
ни қўқондириш ва янги-
лашти-
риш

4
Бал


Т. И. СЛАВКИНА

634.9
С-47

ЎЗБЕКИСТОН ПАРКЛАРИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

(Боғ ва паркларни кўкаламзорлаштиришда
нинабаргли дарахтлар ва буталардан
фойдаланиш)

бр. 22704/1



№ 17

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти
Тошкент — 1970

к

4-4-6

Ўзининг меҳнат отпускасини арча, қарағай ва смола (қатрон) ислари гуркираб анқиб ётган ўрмонларда ўтказишни ким орзу қилмайди дейсиз. Бундай ўрмонларни оралаб юрар экансан, мана шу дарахтларнинг ёқимли ҳидлари билан тўлиб ётган соф ҳавони мириқиб сипқараётгандай бўласан, киши.

Кавказнинг, қуруқ ҳаволи ва иссиқ Қримнинг парклари нақадар гўзал, манзарали ва шифобахш. Улардаги дарахтларнинг аксарияти арча ва қарағайдир. Боку, Ереван ва Душанба шаҳарлари жуда яхши кўкаламзорлаштирилган. Бу шаҳарларнинг паркларидаги дарахтларнинг 50 процентга яқини нинабаргли дарахтлардир. Тошкент шаҳридаги сингари бу шаҳарларда ҳам ёз кунлари ғоят иссиқ-ку, ахир.

Парклар ҳар қанча сердарахт бўлса ҳам, агар нинабаргли дарахтлар бўлмаса, улар бир хилдек туюладилар, куз ва қиш фаслларида яланғочланиб қоладилар.

Қарағай, арча ва қора арчаларнинг кўм-кўк барглари қишда қорлар тагидан кўриниб турганда қанчалик гўзал манзара касб этишини бир тасаввур қилинг. Бугина эмас, уларнинг қуюқ қорамтир кўкатлари ёз пайтларида ҳам бошқа дарахтларнинг барглари билан уйғунлашиб, ажойиб манзара ҳосил этадилар: баъзилари одми,

баъзилари сокин, анча ўйчан, яна бошқалари ўйноқи ва қувноқ бўладилар. Буларга нигоҳ ташлар экан, одамнинг баҳри-дили очилади, қувонади.

Нинабаргли дарахтлар ўзининг ҳеч бир такрорланмайдиган ландшафти ва манзарасини ҳосил қилади. Баъзан нинабаргли дарахтларнинг бошқа буталар ёки юмалоқ туя дарахтлари билан биргаликда вужудга келтирган манзараларини беихтиёр тўхтаб томоша этасан, киши.

Тошкентда ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида нинабаргли дарахт хиллари билан ажойиб тарзда безатилган партерларни кўплаб мисолга келтириш мумкин.

Нинабаргли дарахтлар бошқа япалоқ баргли дарахтлардан фарқли ўлароқ ҳавони йил бўйи кислород билан бойитиб турадилар, уни қурум ва чанг-тўзонлардан тозалаб турувчи филтёр ҳисобланадилар, шаҳардаги шовқинни камайтирадилар, ҳаво температурасини яхши регулровка қиладилар, ҳаводаги, шунингдек тупроқдаги касаллик қўзғатувчи бактериялар миқдорини камайтирадилар.

Санитария институтининг маълумотларига қараганда, қарағайзорларда япроқли дарахтлар ўсадиган бошқа ўрмонлардагига нисбатан бактериялар 10 баравар кам бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қора арча ўрмонидан олинган бир кубометр ҳавода касаллик қўзғатувчи бактериялар сони 300—400 дона, улар бўлмаган жойлардаги бир кубометр ҳавода эса 400000 дона, яъни 1000 баравар кўп бўлар экан.

Нинабаргли дарахтлар атроф-теваракдаги ҳавони соғломлаштиришини назарда тутиб, уларнинг Ўзбекистон паркларида 50 процентдан кам бўлмаган жойни эгаллашига эришмоқ керак.

Шаҳарларда турар жой биноларининг кўпайиши, аҳоли сонининг ўсиши ва меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги ғамхўрлик кишиларнинг дам олишлари учун янги парклар (истироҳат боғлари) барпо этилишини талаб қилади. Бу парклар ўзларининг соғломлаштириш таъсирлари ва бутун йил давомидаги декоратив сифатлари билан ҳозирги мавжуд парклардан батамом фарқ қилиши керак. Бундай паркларни нинабаргли дарахтларсиз барпо этиш мумкин эмас.

НИНАБАРГЛИ ДАРАХТЛАРНИНГ АСОСИЙ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДЕКОРАТИВ СИФАТЛАРИ

Қрим қарағайи — (Паллас қарағайи). Бу дарахтнинг ватани Қрим бўлиб, денгиз сатҳидан 1000 метргача баланд ерларда, кўпроқ жанубий нишабликларда учрайди. Табиий шароитда 30 метргача баланд ўсади. Ўзбекистонда 60—65 ёшида унинг бўйи 18 метрга етади. Ёш вақтида тепаси пирамида шаклида, катта ёшдагилариники эса соябон — зонтик шаклида бўлади. Нина барглари қуюқ, қора-яшил, узун, қаттиқдир.

Ёруғликни ёқтиради, совуққа, иссиққа ва қурғоқчиликка чидамли. Лойтупроқли, қумлоқ, шағалли, тошли ва оҳакли ерларда яхши, тифизланган ерларда эса ёмон ўсади. Газ ва тутунни ёқтирмайди. Илдиз системаси ўзакли. Кўчириб ўтқазганда албатта тупроғи билан кўчириб олиб ўтқазиш керак бўлади. Уруғидан кўпаяди. Ғоят манзарали дарахт. Кўчати якка-якка қилиб ўтқазилади, гулзор ва массивлар қилганда группа-группалаб ўтқазилади.

Сариқ қарағай. Ватани Шимолий Американинг Ғарбий қисми бўлиб, табиий шароитларда

50—70 метр баландликкача ўсади. Унинг бўйи Тошкентда 14 йил ичида 3,5 метрга, йўғонлиги эса 12 сантиметрга етади. Ёш дарахтларининг тепаси тор пирамида шаклида бўлиб, кейинчалик кенг пирамида шаклини олади. Нина барглари қуюқ, осилган, қаттиқ, узун ва тиканакли.

Совуққа чидамли, қурғоқчиликка яхши бардошли. Мунтазам равишда суғориб турилганда қумлоқ ва тошлоқ ерларда ҳам ўсади. Чуқур юмшатишган, сернам, енгил ва соғтупроқларда яхши ўсади. Нисбатан тутунга чидамли. Манзарали дарахт бўлиб, якка-якка ва группалаб экилади.

Қора қарағай. Ватани Жанубий Европанинг тоғлари бўлиб, бу ерларда оҳакли тупроқларда 30 метр баландликкача ўсади. Унинг бўйи Тошкентда 13 йил мобайнида 2,6 метрга, Самарқандда 65 йилда 18 метрга етади. Қрим қарағайига жуда ҳам ўхшаб кетади. Ундан пўстлогининг қоралиги ва ёриқсимонлиги билан фарқ қилади. Совуққа, иссиққа ва қурғоқчиликка чидамли. Нина барглари узун, қора-яшил. Ҳар хил тупроқларда ўсаверади.

Ўртача манзарали. Бошқа турлар билан уйғунлаштириб группалаб ўтқазилади.

Элдор қарағайи. Ватани Кавказ бўлиб, қуруқ тошли чўлларда ва Эйляр-Оги тоғининг (Арманистон ССР) шимолий ҳамда шимоли-шарқий нишабликларида ўсади. 15 метр баландликкача кўтарилиб ўсиб, диаметри 60 сантиметргача етади.

Ҳаво ва тупроқ қурғоқчилигига ҳамда ёзнинг қаттиқ иссиқларига чидамли. У кучсиз ва тошли ерларда ҳам, таги қаттиқ кучли қумлоқ ерларда ҳам, карбонатга бой оҳакли ерларда ҳам, қоялар орасида ҳам ўсаверади. Кучли ерларда мун-

тазам равишда суғориб турилганда тез ўсади ва бир ўсув даврида бир қанча новда беради. Минус 27 даражагача бўлган қисқа муддатли совуқларга чидайди. Совуқ минус 27 градус бўлиб, қиш нам келганда нина барглар шаҳар шароитида музлади ва улар иккинчи ўсув даврида қайта тикланди.

Тошкентда 10 ёшида баландлиги 9,5 метрга етади. Тепаси кенг пирамида шаклида бўлади. Нина барглари қора-яшил, узун ва қаттиқ.

Тез ўсади, газ ва чангларга бардош беради, қор босиб қолганда зарарланади. Қўчатларини тупроғи билан ҳам, тупроқсиз ҳам ўтқазса бўлади.

Ўзбекистоннинг фақат жанубий районларидаги паркларга ўтқазиш тавсия қилинади. Уларни группалаб ва якка-якка ҳолда бошқа нина-барглилар ёки катта баргли дарахтларга аралаштириб ўтқазса бўлади.

Тоғ қарағайи. Бунинг ватани Ўрта Европа тоғлари бўлиб, денгиз сатҳидан 2700 метргача баланд жойларда ўсади. Кўпгина оралиқ шаклларга эга. Баландлиги 10 метргача етади. Тепаси тарқоқ шаклда бўлиб, барглари қуюқ қора-яшил тусли. Баъзан бута шаклида ҳам бўлади. Қурғоқчиликка, паст температураларга, чанг ва тунга, тупроқнинг қизиши ва унинг тигизланишига чидамлилиги жиҳатидан қарағай турлари орасида биринчи ўринда туради. Секин ўсади, ер танламайди. Ёруғликни яхши кўради, уруғидан кўпаяди.

Якка-якка ва группалаб экиш мумкин.

Ливан кедри. Ватани Кичик Осиё (Сурия ва Ливан) бўлиб, тоғларда тошли ва оҳакли тупроқларда денгиз сатҳидан 1000—2000 метр баландликда ўсади. Баландлиги 40 метргача етади.

Ёш вақтида тепаси (учи) конуссимон, кексайган вақтида эса ясси, яруссимон бўлади.

Тошкентда 13 йилда бўйи 5,5 метрга етади. Конуссимон шаклга эга бўлиб, калта, қаттиқ, кўк-яшил ёки кумушсимон-кул ранг ниналар билан қопланади. Тез ўсади. Ҳавонинг қуруқлиги ва ёми қаттиқ иссиқлардан чўчимайди. Ёш вақтида совуққа кам чидамли бўлади.

Самарқандда катта ёшдаги дарахтлар 1968—1969 йил қишида зарарланмади. Уларнинг баландлиги 17 метр бўлиб, биоларнинг панасида (ҳимоясида) ўсади.

Ўзбекистоннинг жанубий районларидаги маркларга экинга тавсия этилади. Бошқа жинсларнинг ҳимоясида яқин-яқин ва группалаб ўтқазилади.

Виргиния қора арчаси. Ватани Шимолий Америка бўлиб, у ерларда тоғларнинг ён бағирларидаги қуруқ, кучсиз ва тошлик ерларда, шунингдек дарё бўйларидаги шағалли террасаларда, океанларнинг қирғоқлари бўйлаб, қояларнинг бўртиб чиқиб турган жойларида ўсади. Жанубда ботқоқликларда ва дарё ҳамда жилғаларнинг водийларидаги нам ерларда учрайди. Янги лой-тупроқларда, қумлоқ ва оҳакли тупроқларда яхши ўсади. Унинг баландлиги табиатда шимолда 12 метргача, жанубда 30 метргача етади.

Тошкентда 10 ёшида бўйи 5,5 метр бўлиб, диаметри юқори қисмида 6,7 сантиметрни ташкил қилади. Тепасидаги новдалари осилиб ёки тикка туради. Ёш дарахтларнинг тепаси тор пирамидасимон, катта ёшдаги дарахтларники эса ёйилган ёки тухумсимон бўлади. Ёш дарахтларнинг новдалари деярли ердан ўсиб чиқади, ўсиб катталашини билан танаси новдалардан тозаланади.

Тез ўсадиган, ёруғликни ёқтирадиган, совуққа, иссиққа ва қурғоқчиликка чидамли дарахт ҳисобланади. Шохларини бутага яхши бардош беради. Тутун ва газларга нисбатан чидамли бўлиб, бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтқазганда тупроғи билан ўтқазишни талаб қилади.

Нина баргларининг ранги, тепасининг шакли ва ўсиш характери жиҳатидан Виргиния қора арчасининг боғ формалари бор. Унинг нина барглари қиш даврида қўнғир тусга киради.

Якка-якка ва группалаб ўтқазилади. Бундан «яшил девор» ва ихоталар барпо этиш мақсади кўзланади.

Қоя қора арчаси. Ватани Шимолий Америка бўлиб, у жойларда қуруқ нишаблик ва қояларда, одатда денгиз сатҳидан 1700 метр баландликда ўсади. Табиатда бўйининг баландлиги 14 метр (18 метрдан) ошмайди.

Тошкентда унинг бўйи 9 ёшида 2,5 метрға етади. Тепаси тор, колоннасимон, баъзан пирамидасимон бўлиб, нина барглари яшил-кўкдир. Қўринишда Виргиния қора арчасига ўхшайди. Ундан қишда нина баргларининг ранги ўзгармаслиги билангина фарқ қилади.

Виргиния қора арчаси сингари қўлланилади.

Қозоқ қора арчаси. Бу арча Марказий ва Жануби-Шарқий Европада, Кавказда, Жанубий Уралда, Сибирда, Қозоғистонда ва Ўрта Осиё тоғларида, денгиз сатҳидан 2100 метрғача баландликларда учрайди.

Тоғ ва текисликларнинг турли тупроқларида: қумлоқ ва бўр қатламларида, оҳакли ва лойтупроқли ерларда, тошлоқ нишабликларда ўсади.

Паст, ер бағирлаб ўсадиган бута бўлиб, бўйи 2 метрғача етади. Баъзан новдалари юқори томон кўтарилган бўлади. Секин ўсади, совуққа



Виргиния арчаси

чидамли бўлиб, ёруғликни ёқтиради, ёнидан тушган озгина сояга бардош беради. Қурғоқчиликка ва газга чидамли бўлиб, кўкаламлаштириш мақсадларида якка-якка ўтқазилади.

Узун баргли қора арча. Бу арча Кавказда ва Шимолий Эронда ўсади. У деярли денгиз сатҳидан токи субальп минтақасигача, кўпроқ ўрта минтақада ўрмонларнинг ёқаларида ҳар хил тупроқларда, тошлоқ нишабликларда, қояларда ва қумлоқ ерларда учрайди. Табиатда унинг бўйи 10 метргача етади.

Тошкентда 7 йилда 1,6 метр баландликда ўсади. Тепаси ғуч, нина барглари тиканли бўлиб, ёруғликни ёқтиради, баъзан бута шаклида бўлади, қурғоқчиликка, совуққа ва иссиққа яхши чидайди. Қаламчаси ва уруғидан кўпаяди. Нина барглари яшил-кўк ва узун бўлади.

Узун баргли қора арча парадлар ўтказиладиган жойларга якка-якка, бошқа ўсимликлар билан эса группалаб ўтқазилади.

Хитой қора арчаси. Ватани Хитой ва Корея бўлиб, у ерларда тоғ ва водий ўрмонларида оҳакли ҳамда тошлоқ ерларда бўйи 25 метргача етиб ўсади. Баъзан бута шаклида бўлади. Тепаси пирамидасимон ёки ёйилган, камдан-кам ҳолларда эса осилган тарзда учрайди.

Тошкентда 9 ёшида баландлиги 3,2 метрга етади. Тепаси пирамидасимон бўлиб, барглари яшил-кўкдир. Барглари кўпинча бир дарахтнинг ўзида ҳам тиканли, ҳам тангасимон бўлади. Тез ўсадиган ва чидамли дарахт бўлиб, боғларга экиладиган формалари ҳам бор. Олдинги қаторларга якка-якка ва группалаб экилади.

Лавсон сарви. Ватани Шимолий Америка бўлиб, Тинч океан қирғоқларида денгиз ёқасидаги тоғларда денгиз сатҳидан 1500 метргача баланд-


ликда ўсади. Дарё бўйларида ва тор дараларда бўйи 60 метргача баланд кўтарилади.

Ёш вақтида секин ўсади. Тошкентда 10 йилда бўйи 2,5 метрга етади. Каттароқ бўлгандан кейин тез ўсади, 25 градус совуққа чидайдди. Сояга бардошли бўлиб, ерга талабчан бўлмаганидан ҳар хил тупроқли ерларда ҳам ўсаверади. Сернам лалмикор қумлоқ ва соғтупроқларда яхши ўсади.

Ёш вақтида тепаси пирамидасимон, кейинчалик конуссимон, учлари эгилган бўлади. Нина барглари яшил ёки мовий-яшил, тангага ўхшаш, ясси бўлади. Суғорилганда қурғоқчиликка, шунингдек тутун ва газга нисбатан чидамли бўлиб, уруғидан ва қаламчасидан кўпаяди. Унинг боғ формалари ҳам бор. Булар тепасининг шакли, нина баргларининг ранги билан бошқаларидан ажралиб туради. Суғориш суви билан таъминланган жойларда группалаб экилади. Яшил ихота ҳосил қилиш учун қўл келади. Қишқи боғлар учун уларни кадка (ёғоч идиш)ларда ҳам ўстириш мумкин. Совуқ шамоллардан ҳимоя қилинган ва соя туширилган ерларга экилади.

Аризон сарви. Ватани Шимолий Америка бўлиб, Жанубий штатларнинг тоғларида кўпроқ сернам дараларда ва дарёларнинг бўйларида ўсади. Баландлиги 25 метргача етади. Тепаси кенг — конуссимон ёки пирамидасимон бўлиб, нина барглари зангори ранглидир.

Тошкентда тез ўсади, бўйи 12 йилда 3,5 метрга, 14 йилда 5,5 метрга кўтарилади. Совуқ шамоллардан ҳимоя қилинганда минус 22 градусгача совуққа чидайдди. Совуққа ва иссиққа чидамли. Бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтқазишни унчалик ёқтирмайдди. Илдизининг тупроқли бўлишига эътибор бериш керак бўлади.



Аризон сарв дарахти

Гоят манзарали дарахт бўлиб, Ўзбекистоннинг жанубий районларига экиш учун тавсия этилади, аммо совуқ шамоллардан ҳимоя қилиш талаб қилинади.

Ботқоқ сарви сингари қўлланилади.

Шарқ биотаси (туя). Ватани Шимолий Хитсий тоғлари ҳисобланади. Табиатда бу дарахт 10 метргача баланд кўтарилиб ўсади. Ёш вақтида тепаси пирамидасимон, катта ёшга ётганда ёйилган, нина барглари эса қора-яшил тангачаларга ўхшаш бўлади.

Туя дарахти жинси (ғарбий, пликата ва бошқалар)дан бужури билан фарқланади, улар уруғлари пишганга қадар юмшоқ бўлиб, пишгандан кейин қаттиқлашиб ёғочланади ва шунга ўхшаш бошқа томонлари билан ажралиб туради.

Секин ўсадиган жинс бўлиб, 15 йилда бўйи 6 метрга етади. Иссиқни севади, ҳаво ва тупроқ қурғоқчилигига чидайди. Юмшоқ тузилиши ва оҳакли бўлган турли тупроқларда яхши ўсади. Сув ўтказмайдиган тигиз тупроқларда ёмон ўсиб, ҳалок бўлади. Газга ўртача чидамли. Шаҳар шаронтида яхши ўсади. Уруғидан ва қаламчасидан кўпаяди.

Тепасининг кўриниши ва нина баргларининг ранги жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган жуда кўп шакллари — формалари бор. Шохшаббалари буталганда яхши ўсади.

Якка-якка ҳолда ва яшил ихота учун группалаб ҳам экилади.

Ғарб туяси. Ватани Шимолий Американинг Атлантик океани бўйлари қисми бўлиб, у ерларда нам тупроқларда ўсади. Баъзан ботқоқликларда ҳам учрайди. Табиатда баландлиги 20 метргача етади ёки бута тарзида бўлади. Тепаси пирамидасимон бўлиб, новдалари қисқа горизонталь, ясси тангасимон, барглари яхши ҳидлидир. Бужури пўстли, уруғлари майда, иккита қанотчали ясси.

Секин ўсади, совуққа чидамли, иссиққа кам чидамли, ҳаво ва тупроқ қурғоқчилигидан азобланади. Сояга чидамли бўлганидан дарахтлар тагида ўса олади. Тупроқ танламайди, ҳар хил тупроқли ерларда ривожланаверади. Тутун ва газ билан ифлосланган ҳавога чидайди. Шохшаббалари буталганда яхши ўсади. Уруғидан

ҳамда ярим пишган новдаси ва пайванддан кўпаяди.

Боғ формалари (шакли) жуда кўп. Шарқ биотаси каби қўлланилади, аммо суғориш суви билан таъминланган, соя туширилган ерларга ўтқазиб керак бўлади.

Метасеквойя. Бу дарахтнинг ватани Марказий Хитой бўлиб, табиатда 50 метргача баланд кўтарилиб ўсади, танасининг диаметри 2 метргача етади, таги жуда ҳам йўғонлашиб кетади. Нина барглари қишда тўкилади.

Тошкентда 13 йилда бўйи 6 метрга етади. Тепаси кенг-пирамидасимон бўлиб, нина барглари зангори-яшил, сийрак бўлади. Тез ўсади, кейинги йилларда йилига 1 метргача ўсади. Қуруқ ҳаводан, ёзги қаттиқ иссиқлардан ҳаётининг фақат дастлабки йиллари, ўтқазилган йилларидагина қийналади. Мунтазам равишда суғориб турилганда яхши ўсади. Кўчириб ўтқазилганда яхши тутиб кетади. Шох-шаббалари буталганда яхши ривожланади. Ғоят манзарали дарахт ҳисобланади.

Группалаб ва якка-якка ҳолда ўтқазилади.

Ботқоқ сарви. Ватани Шимолий Американинг жануби-шарқи бўлиб, у жойларда ботқоқликларда ва дарёларнинг бўйларида, денгиз қирғоқларида, чуқур ва нам қумлоқ ҳамда соғтупроқли ерларда ўсади. Нами жуда ҳам кўп ерларда бу дарахт илдизидан конуссимон ёки бутилка (шиша) симон илдизлар (нафас олувчи) ўсиб чиқади. Табиатда унинг бўйи 30—50 метргача етади. Тепаси ёйиқ ва нафис бўлади. Нина барглари қишда тўкилади.

Бу дарахт Ўзбекистонда Андижон, Фарғона, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўсади. Самарқанд шаҳридаги паркда 90 йилдан бери

сувга яқин жойда ўсаётган бу дарахтларнинг бўйи 23 метр, танасининг йўғонлиги (диаметри) 1,2 метр, жорий ўсиши эса 50—70 сантиметрдир. Тепаси ёйиқ ва нозик. Нина барглари очиқ-яшил ва юмшоқ бўлиб, кузда, тўкилиш олдидан сариқ-қорамтир тус олади. Тошкентда 15 йилда 9 метр бўй чўзади ва танасининг пастки қисми 40 сантиметрга йўғонлашади. Ҳаётининг дастлабки йиллари қаттиқ иссиқни, ҳаво ва тупроқ қурғоқчилигини ёқтирмайди. Қиш қуруқ келганда новдалар қуриб қолади. Дарахт улғайган сари унинг чидамлилиги ортади. Шох-шаббалари буталганда яхши ўсади. Ғоят манзарали дарахт ҳисобланади.

Сув бўйларига, шунингдек суғориш ишлари мунтазам йўлга қўйилган жойларга якка-якка ёки группалаб ўтқазилади.

Тиканакли арча. Ватани Шимолий Американинг қояли тоғлари бўлиб, денгиз сатҳидан 2000—3000 метр баланд жойларда ўсади. Табиатда бўйи 30 метргача, танасининг диаметри эса 1,2 метргача етади. Тепаси конуссимон бўлади.

Тошкентда 11 йилда бўйи 1,3 метр баландликка кўтарилади. Тепаси пирамидасимон бўлиб, нина барглари қуюқ кумушсимон ёки яшил рангда бўлади.

Қишга, тутун ва чанг-тўзон, шунингдек қор уюмларига чидамлидир. Механик состави ва намлиги жиҳатидан турлича тупроқларда, ҳатто 15 кунлаб сув босадиган ерларда ҳам ўсаверади. Суғорилмаса ҳалок бўлади. Очиқ жойларда ўстирилганда тепасига сув пуркаб туриш талаб этилади. Шох-шаббалари буталганда яхши ўсади. Уруғи ва қаламчаси орқали ҳамда пайвандлаш йўли билан кўпаяди. Фақат тупроғи билан кўчириб ўтқазилади. Унинг формаси яшил ва кумуш

рангли бўлиб, қора-яшил тусдаги япроқли дарахтлар фонида жуда ҳам чиройли кўринади. Суғориш суви билан таъминланган ва кўзга яққол ташланиб турадиган жойларга якка-якка ҳолда ва группалаб ўтқазилади.

Энгельман арчаси. Ватани Шимолий Американинг ғарбий қисми бўлиб, у ерларда тоғлар бўйлаб шимолий ён бағирларда, дарёларга яқин пастликларда ўсади ва бўйи 50 метргача етади. Тепаси конуссимон, мустаҳкам, кўпинча мутаносиб эмас. Нина барглари кўк-яшил, кумуш ранг арчалардагига нисбатан камроқ тиканли.

Муҳитнинг ноқулай факторларига биологик хусусиятлари ва чидамлилиги жиҳатидан тиканли арчаларга яқин туради. Секин ўсади.

Тошкентда 11 йилда бўйи 0,5 метрга етади. 15 ёшидан бошлаб ўсиши кучаяди.

Тиканли арча сингари қўлланилади.

Оддий арча. СССРнинг Европа қисмида тундра ўрмонларигача бўлган жойларда ўсади. Жуда сурх дарахт бўлиб, бўйи 30 метр баландликгача кўтарилади. Тепаси конуссимон бўлиб, нина барглари қора-яшилдир. Ёш вақтида сояга чидамлидир.

Тошкентда 8—10 йилгача жуда секин ўсади. 11 йилда бўйи 2,1 метрга етади. Тепаси қуюқ, пирамидасимон, новдалари ергача осилган бўлади. Фақат кучли ерларда мунтазам равишда суғориб турилганда яхши ўсади. Соғтупроқ ва қумлоқ тупроқлар унинг учун энг яхши тупроқ ҳисобланади.

Совуққа чидамли. Ҳаво ва тупроқ намига талабчан. Аммо тупроқда нам ортиқча бўлишини ёқтирмайди. Ҳавонинг газ ва тутун билан ифлосланишини ёмон кўради. Уруғи ва қаламчасидан кўпаяди.

Оддий арчанинг жуда кўп боғ формалари (шакллари) бор. Тепаси нозик ва соялаб турадиган дарахтлар тагига ёки жануб ва ғарб томондан соя тушиб турадиган жойларга якка-якка ҳолда ёки группалаб ўтқазилади.

Канада арчаси. Ватани Шимолий Американинг шарқий қисми бўлиб, дарё ва кўллар ёқасида ҳамда уларга яқин жойларда ўсади. Тоғларнинг денгиз сатҳидан 1500 метр баланд жойларигача кўтарилиб боради. Табиатда баландлиги 25 метргача етади, тепаси мустаҳкам ва тўғри конуссимон бўлади.

Тошкентда 14 йилда бўйи 1,5 метрга етади. Тепаси пирамидасимон бўлиб, нина барглари оқиш кўк-яшилдир. Совуққа чидамли, ҳаво ва тупроқ қурғоқчилигига бардошли. Мунтазам равишда суғориб турилганда ҳар хил тупроқларда — майда тошли ва кучсиз қумлоқ ерларда ўсаверади. Шох-шаббалари буталганда яхши ўсади. Иккинчи жойга олиб ўтқазишда тупроғи билан кўчириб ўтқазилади.

Канада арчасининг тепасининг шакли ва нина баргларининг ранги билан бир-биридан фарқ қилувчи кўпгина формалари (хиллари) бор. Тиканли арча сингари қўлланади.

Мевали тисс. Ғарбий Европанинг қарийб ҳамма тоғлик районларида ўрмон паноҳида ўсади. Бўйи 10—17 метргача етади, баъзан бута шаклида ҳам учрайди. Ёш дарахтларининг тепаси тухумсимон, нина барглар билан қуюқ қопланган, катта дарахтлариники эса ёйиқ, кўп учли бўлади. Нина барглари қорамтир-яшил туслидир.

Тошкентда 11 йилда бўйи 1,5 метр баланд кўтарилади. Сояга чидамли бўлиб, суғориб турилганда бир оз сояланган ва ҳатто очиқ ерларда ҳам ўсаверади. Ҳаво ва тупроқнинг нам бўлишини та-

лаб этади, аммо бостириб суғоришни ва тагининг ботқоқланишини ёқтирмайди. Янги ва кучли ерларда яхши ўсади. Кўчириб ўтқазишга ва тепасини (учларини) қирқишга яхши бардош беради.

Кўкаламлаштириш учун қимматли бўлган анчагина боғ формалари (шакллари) бор. Паркдаги дарахтларни кўпайтириш мақсадида улар оралиғига якка-якка ҳолда ва группалаб ўтқазилади. Қолонна тусли, пирамидасимон ва шарга ўхшаш пақана шакллари майсазорларга ўтқазиш учун яроқли бўлиб, жануб ва ғарб томондан соя тушиб туришини талаб этади.

Бахайбат секвойя. Ватани Сьерра-Невади (Калифорния тоғлари) нинг ғарбий нишабликлари бўлиб, денгиз сатҳидан 1500—2500 метр баландликда, чуқур ва нам тупроқларда ўсади. Бўйи 120 метргача баландликка кўтарилади, танасининг диаметри 12 метрдан кўпроқ йўғон бўлади. Тепаси кенг-пирамидасимон. Нина барглари қаттиқ, бўз-яшил рангли.

Самарқандда 80—85 ёшлик бу дарахтнинг бўйи 20 метргача етган. Тошкентда 5 йилда бўйи 2,1 метрни ташкил этган. Ёш вақтида совуққа чидамсиз бўлиб, 25 градус совуқда музлаб қолади, мунтазам равишда суғориб турилганда ҳаво қуруқлиғига ва юқори температураларга бардош беради. Бостириб суғоришни ва ернинг ботқоқланишини ёқтирмайди. Юмшатиш, чуқур ва янги тупроқларда яхши ўсади. Катта ёшида кўчириб ўтқазилишини ёмон кўради.

Уруғидан ва кузги қаламчаларидан кўпаяди.

Суғориладиган ва совуқ шамоллардан ҳимоя қилинган жойларда якка-якка ҳолда ўтқазиб ўстирилади.

Икки кафтли гинкго. Ватани Хитой бўлиб,

иқлими иссиқ ва нам бўлган тоғларда, денгиздан 1500 метр баландликкача бўлган ерларда 40 метргача бўй чўзиб ўсади. Тепаси пирамидасимон, кенг ёки юмалоқ бўлиб, барглари кенг сатҳли, ўмизли ва ранги кўкроқ-яшилдир. Улар новдаларнинг учида елпиғичсимон жойлашади.


Тез ўсади. Тошкентда унинг бўйи 15 йилда 5 метрга етади. Самарқандда баландлиги 15 метрлик иккита дарахт бор. Тупроқ танламайди. Иссиққа ва совуққа чидамли. Мунтазам равишда суғориб турилганда кучли тупроқларда яхши ўсади. Ёруғликни яхши кўради, тутун ва газга чидамли. Кўчириб ўтқазиш ва тепасини кесиш жараёнига бардош беради. Барглари тўкилиш олдидан сарғиш тус олади. Уруғдан, тана ва илдиз қаламчаларидан кўпаяди.

Оригинал барглари билан манзаралидир. Группалаб ва якка-якка ҳолда ўтқазилади.

ГРУППАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ КОМПОЗИЦИЯСИ

Ўзбекистон паркларида фақат нинабаргли дарахтлардан катта соф массивлар барпо этиш учун бўш майдонлар йўқ. Шунинг учун ҳам қўлингиздаги ушбу китобчада нинабаргли дарахтларнинг группасини ва уларни одатдаги баргли дарахтлар билан уйғун ҳолда жойлаштириш ҳамда композицияси бўйича асосий қоидаларни келтириб ўтамиз.

Шак-шубҳасизки, нинабаргли дарахтларни якка-якка ҳолда ва группалаб ўтқазиш учун исталган паркдан унча катта бўлмаган бўш участкани топиш ёки ҳеч бўлмаганда, қиммати кам жинслар эгаллаб турган майдончани улардан тозалаб, йўқни бор қилиш мумкин.



Гинкго дарахти

Нинабаргли дарахтларнинг асосий манзарали сифатлари улар тепасининг формаси ва нина баргларининг рангидир. Бу сифатлар дарахтларнинг ёши ва ўсиш шартларига қараб ўзгаради. Бундай сифатларни сақлаб қолиш учун уларни группалаб ёки якка-якка ҳолда ўтқазиш учун жойни тўғри танлаш керак.

Нинабаргли дарахтларнинг манзарали сифатлари ёшлик вақтлариданоқ намоён бўлади, аммо улар айниқса 10 ёшдан то 100 ёшгача бўлган даврда жуда гўзал кўринади. Дарахтларнинг манзаралилиги уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлади ва муҳитнинг экологик факторлари таъсири остида ўзгаради. Бу факторлар ичида дарахтнинг манзаралилик сифатига ёруғлик энг кўп таъсир кўрсатади. Нина барглар ёруғликка муносабати бўйича икки группага бўлинади:

Сояга бардошлилар — булар одатий арча, Канада арчаси, Энгельман ва тисс арчаларидир.

Ёруғликни севувчилар — булар қарағайлар ва қора арчаларнинг ҳамма турлари, биота, туя, Аризон ва ботқоқ сарвлари, Ливан кедри, Лавсон сарви, секвойя, метасеквойя, гинкго ва кумушсимон арчалардир.

Сояга чидамли турларга ёруғлик кучли равишда тушганда уларнинг нина барглари куяди ва баъзи ҳолларда ҳатто бутун бошли дарахт ҳалок бўлади. Ёруғликни ёқтирадиган турларга ёруғ яхши тушмаганда нина барглари сийраклашади, унинг ранги ўзгаради, бунинг натижасида манзаралилик сифатини йўқотади. Шунга кўра уларни экиш учун жой танлаганда бу хусусиятларни албатта эътиборга олиш, сояга бардош берадиганларини соя жойларга, ёруғликни яхши кўрадиганларини қуёш яхши тушадиган ёки жа-

нуб ва ғарб томонлардан озгина соя тушадиган ерларга ўтқазиб керак. Мана шу қоидаларга риоя қилинганда исталган паркда гўзал жойларни вужудга келтириш мумкин.

Дарахтларни группалаб ёки якка-кка ҳолда ўтқазганда уларнинг одамлар кўзига ҳамма томондан яхши кўриниб туриши кераклигини унутмаслик лозим. Бошқача айтганда, группа ёки айрим дарахтлар одамларга энг баланд ўсган дарахт бўйига нисбатан камида бир ярим ва кўпи билан барабар масофадан яққол кўриниб туриши керак. Бундан кўп ёки кам масофадан ўсимликнинг манзаралилик сифатини тўла равишда идрок этиб бўлмайди. Ўтқазиб ўрнини аниқлашда ўтқазиладиган дарахт бўйининг катталигини эмас, балки унинг тўла ривожланиш давридаги максимал баландлигини ҳисобга олиш зарур.

Нинабарглиларни ўтқазиб учун жой танлаганда участкага сутканинг турли вақтларида қанчалик ёруғлик тушишини назарда тутиш даркор. Кун давомида участканинг қуёш нурлари билан ёритилиши ўзгариб туради: эрта билан соялар қуюқ, нина баргларнинг ранги нафис бўлади; кун ўртасида соялар қисқа ва кескин бўлиб, нинабаргларнинг ранги тури деярли йўқолади; кечқурун соялар узун бўлиб, осмоннинг туси ўсимликларга кўчади, бу уларнинг қораяшиллиги ва жилосини камайтиради. Мана шунга кўра эрталаб ва кечқурун ёруғлик тушадиган жойларга қорамтир-яшил ёки ялтироқ нинабарглиларни, кун ўртасида яхши ёруғ тушадиган ерларга очиқ ёки қорамтир-яшил нинабарглиларни экиш зарур.

Якка-якка ҳолда ўтқазиладиган дарахтлар

ёки буталарни экиш ўрнини аниқлашга жуда катта эътибор бериш керак. Экиш ўрни нотўғри танланганда мавжуд пейзажни (манзарани) яхшилаш ўрнига ёмонлаштириб қўйиш ёки мавжуд дарахтларнинг композициясини бузиб қўйиш мумкин.

Якка дарахтларни улар кўзга яққол ташланиб турадиган ёки шу жойнинг гўзаллигини оширадиган ерларга ўтқазиш керак. Уларни газон—майсазорнинг олдинги томонига, ҳовузлар яқинига, майдонга кириб бориш жойларига, ёки паркдаги турли иморатлар олдига экиш-ўтқазиш лозим. Уларни бир группа дарахтлар кўзга ташланиб турсин учун ҳам қўлланадилар. Бунда қора-яшил нинабарглилар ёки япроқли бошқа дарахтлар группаси олдига очиқ-яшил нинабарглиларни экадилар ва аксинча, очиқ рангли нинабарглилар ёки япроқли бошқа дарахтлар олдига қора нинабарглиларни ўтқазадилар.

Якка-якка ҳолда ўтқазиш учун тепасининг формаси гоят манзарали ва нина барглари ёки япроқларининг ранги оригинал бўлган ўсимликларни қўлланадилар. Тепасининг формаси конуссимон ёки пирамида шаклида бўлган ҳамда нина барглари кўк ёки ҳаво ранг бўлган дарахтлар яхши самара берадилар.

ГРУППАЛАР КОМПОЗИЦИЯСИ¹

Бир участкага экилиб, композицияси жиҳатдан ўзаро бир-бири билан бирлашган бир нечта дарахтни группа деб атайдилар.

Композиция — бу ўхшашлиги ёки манзаралилик сифатларининг контрасти бўйича танлаб олинган ҳар хил тур дарахтларнинг уйғунлашу-

¹ Уни Н. Ф. Васильев тузган.

видир. Композиция ёнма-ён экиладиган дарахтларнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Мавжуд паркларда барча дарахтларнинг композициясини ўзгартириш билан катта массивларни барпо этиб бўлмайди. Чунки бу жуда катта маблағни ва мавжуд дарахтларнинг турини бошқалари билан алмаштиришни талаб этади.

Парклардаги мавжуд дарахтларни уларнинг составига сояга бардошли нинабаргли дарахтларни киритиш ёки уларни якка-якка ҳолда ва группалаб жойлаштириш билан яхшилаш мумкин. Бунда одамлар энг кўп келиб-кетиб турадиган жойларни назарда тутиш керак.

Бундай жойларга дарахт ва буталар турли миқдорда — икки тупдан ўн тупгача экилиши мумкин. Группаларни одамлар сайр этадиган аллеялар ёки йўлчалар яқинига экиш зарурлиги муносабати билан уларнинг миқдори 10 донадан ошиб кетмаслиги лозим. Дарахтлар кўп миқдорда экилганда катта участкани эгаллайди ва сайр этувчилар эътиборини тўла ҳажмда ўзига тортмайди. Бинобарин, ўзининг манзаралилик сифати ва эстетик қимматини йўқотади.

Группа ўсимликнинг бир туридан — соф группа ёки бир неча туридан — аралаш группадан барпо қилиниши мумкин. Ўз навбатида аралаш группа нинабарглиларнинг ҳар хил туридан ёки уларнинг япроқли турлари билан уйғунлашувидан иборат бўлиши мумкин. Энг чиройли группа — бу аралаш группалардир. Нинабарглилар ва япроқли турлардан тўғри танлаб олинган аралаш группа ўзининг манзаралилигини бутун йил давомида сақлаб қолади.

Группага дарахтларни танлаганда шуни назарда тутиш керакки, очиқ рангли нина барглар ёки япроқлар пейзажга нафислик бахш эта-

ди, сояларни эса жуда ҳам қуюқлаштиради. Нина барглари ёки япроқлари қора рангли дарахтлар контраст — зид кўриниш ҳосил қилади. Буларнинг ёрдамида яқин ёки узоқ перспектив пейзаж — манзарани вужудга келтириш мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, қорамтир баргли дарахтлар группасидан барча очиқ ранглилари кўзга яққол ташланади, қора ранглилари эса деярли кўзга илғамайди. Мана шунинг учун одамлар ўтириб дам оладиган жойларга ёки сайр этиб юрадиган аллеяларга нинабарглари ёки япроқлари қорамтир дарахтларга барглари очиқ рангли дарахтларни аралаштириб экиш мақсадга мувофиқдир.

Группаларни тўғри жойлаштириш билан ажойиб манзарани вужудга келтириш мумкин. Масалан, нина барглари қора, тепаси пирамидасимон шаклли ўсимликлар группасини бошқа очиқ япроқли, тепалари нафис дарахтлар олдига жойлаштириш кўзга яққол ташланадиган манзарани ҳосил қилади, улар қуёш ботаётганда ғоят гўзал манзара касб этади.

Группаларни тузишда ундаги ҳар бир дарахтга алоҳида жой ажратилади. Бунда нина барглари ёки япроқларнинг қуёш нурини ўзида қандай акс эттириши ёки сочиб юбориши ҳисобга олинади. Группа ўртасига мазкур группанинг перспектив таъсирини яқинлаштирадиган ёки йироқлаштирадиган дарахтлар ўтқазилади. Группа марказида яқин перспектива яратиш учун бир оз орқароққа қора нинабаргли ёки қора япроқли дарахтлар, олдинги планга — қаторга эса очиқ рангли дарахтлар ўтқазилади. Узоқ перспектива яратиш учун группа ўртасига ёки орқа томонига нина барглари очиқ рангли ёки япроқлари шундай рангли дарахтлар, олдинги планга

эса нина барглари қора ва тепаси анча зич дарахтлар экилади. Бунда группадаги ҳар бир дарахтнинг бутун группа композициясининг бир бутунлигини акс эттиришига ва ўзининг тепаси (учи) билан орқасида турган бошқа дарахтларни беркитиб (тўсиб) қўймаслигига эътибор бериш зарур. Мана шунинг учун дарахтларни айна группада жойлаштиришда уларни ўзларининг манзаралилик сифатларини йўқотмайдиган қилиб экиш керак.

Шу муносабат билан дарахтларни группада жойлаштирганда уларнинг оралиғи қуйидагича бўлиши тавсия этилади:

1. Бир тур нина барглилар группасида:

а—тепаси конуссимон ва колоннасимонлар оралиғи — 5—6 метр;

б—тепа шохлари ёйилганлар оралиғи—7—10 метр;

в—тепаси ҳар хил бўлганлари оралиғи—6—8 метр;

2. Нинабарглилар ва япроқлилар группасида:

а—тепаси конуссимон ва колоннасимонлар оралиғи—4—5 метр;

б—тепа шохлари ёйилганлар оралиғи—8—12 метр;

в—тепаси турлича бўлганлари оралиғи—6—10 метр.

Эслатма:

а) тепаси нафис ва сийраклигидан шамол ўтказиб турадиган турлар бир-бирига анча яқин қилиб ўтқазилади;

б) группаларга манзаралилик бахш этиш учун ёш дарахтлар ўтқазилганининг дастлабки йилларида уларнинг ораларига гўзал гуллайдиган баргли буталар экилади. Нина барглиларни

жануб ва ғарб томондан соялаш учун эса улар олдига тельяжлар (панжаралар) ўрнатилади. Бу панжаралар улар ёнига экилган чирмашиб ўсадиган ўсимликлар билан қопланади.

Майсазорларга ёки қандайдир бирор объект олдига экиладиган дарахтларни группаларда жойлаштиришда олдинги планга анча паст ўсадиган дарахтлар ва бута шаклидаги ўсимликлар, орқа планга эса баланд кўтарилиб ўсадиган дарахтлар ўтқазилади. Тепаси пирамидасимон ва конуссимон дарахтлар тепа шохлари ёйилиб ва зонтик шаклида ўсадиган дарахтлар олдига экилади. Тепаси пастга осилиб ўсадиган дарахтлар группанинг ён томонига жойлаштирилади, бундан уларнинг тепалари контури группанинг умумий массаси билан аралашиб кетмаслиги мақсади кузатилади.

Контраст группани вужудга келтириш учун уларнинг ўртасига баланд ўсадиган, тепаси пирамидасимон ёки конуссимон шаклли дарахтлар ўтқазилади, четлари ёки атрофига эса паст ўсадиган, тепаси шарсимон ва ёйилиб ётадиган дарахтлар экилади. Аралаш группаларда нинабарглилар ва япроқли турлардан олдинги планга япроқлари очиқ рангли ёки тепаси эгилган шаклли турлар ўтқазилади, орқа томонга эса нинабарглари қора ва тепаси пирамидасимон ёки зонтик шаклли турлар экилади.

Қўлингиздаги китобчада тавсия этилган дарахтлардан Ўзбекистон парклари учун уйғунлашуви бўйича ҳар хил группаларни яратиш мумкинки, тавсиф билан уларнинг ҳаммасини бирма-бир келтириб ўтишнинг имконияти йўқ.

Мана шунинг учун ҳам группаларнинг композицион тузилишидан мисоллар келтирилди. Улар жойларни кўкаламзорлаштириш билан

шуғулланувчи агрономларга дарахтларни уй-
ғунлаштириш ва жойлаштиришнинг юқорида
баён этилган қоидаларини англаб етиш, шу-
нингдек уларнинг биологик хусусиятлари ва
манзаралилик сифатларини ҳисобга олган ҳол-
да ўсимликларни группада уйғунлаштириш
учун мустақил равишда дарахтларни танлаш
имконини беради.

На узбекском языке

Т. И. СЛАВКИНА

Хвойные в озеленении парков,
Узбекистана

Издательство
ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1970

Таржимон У. Муҳамедов Редактор Ш. Тоҳиров
Техредактор В. Зубовская Корректор Ж. Абубакиров

Теришга берилди 10/IV-1970 й. Босишга рухсат этилди 24 XI-1970 й.
Қогоз формати $84 \times 108 \frac{1}{32}$. Босма листи 1,0. Шартли босма
листи 1,68. Нашриёт ҳисоб листи 1,17. Тиражи 10330. Нашр № 42.
Р 02981. Заказ № 1991. Баҳоси 4 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси.
Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.

634
С 67

Славкина Т. И.

Ўзбекистон паркларини кўкалам-
зорлаштириш (Боғ ва паркларни кў-
каламзорлаштиришда нинабаргли дарахтлар
ва буталардан фойдаланиш). Т., Ўз-
бекистон КП МКнинг нашриёти, 1970.
32 бет, расм.

Славкина Т. И.

Хвойные в озеленении парков Узбекистана.

634.9

